



## ВОҶЕЛИККА НИСБАТАН АКЦИОЛОГИК МУНОСАБАТНИ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСПЕКТЛАРИ.

Азимов Улуғбек Абдухалилович<sup>1</sup>,  
Тўхтасинов Дилшодбек Эркинжонович<sup>2</sup>

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199088>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 01<sup>st</sup> October 2022

Online: 03<sup>rd</sup> October 2022

### KEY WORDS

Янги Ўзбекистоннинг  
тараққиёт стратегияси,  
демократия, инсон  
манфаатлари, қадриятлар,  
аксиологик онг, аксиологик  
муносабат, ижтимоий онг,  
қадриятлар иерархияси.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида демократик тараққиётни таъминлашга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясидан-Тараққиёт стратегияси сари йўл жамиятда шахслараро муносабатларнинг такомиллаштириш зарурати билан узвий боғлиқдир. Мазкур ўзгаришларнинг демократик моҳияти жамият онги, кишиларнинг ўз-ўзини англаши ва шу асосда кучли жамиятдан кучли давлат сари юксалишда ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 70-мақсади “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” деб номланиб, унда “Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ёшларнинг воқеликка нисбатан аксиологик муносабатини шакллантириш, ёшлар тарбияси йўлида уларнинг воқеликка аксиологик онг ва муносабатини тўғри шакллантириш соҳасида қилинадиган ишлар ҳақида маълумотлар баён этилган.*

руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш”, таъкидланади. Бу эса демократик жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланиб яшашлари зарурлигини англатади. Шунингдек, “Жамиятимизда демократия тамойиллари, қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш (эркинлаштириш) ишлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини оширмоқдамиз”. Бугунги кунда “Халқ қабулхоналари”нинг ташкил



этилганлиги, уларга келиб тушаётган мурожаатлар аҳолининг ижтимоий-сиёсий онгини ошироқда. Мурожаатларни таҳлил этиб кўрсак, уларнинг асосий қисми суд-ҳуқуқ тизими, банк ва тиббий хизматлар кўрсатиш соҳаларига оиддир. Бюрократия (расмиятчилик), қоғозбозлик, сансалорликка йўл қўйиш ҳолатлари адолатли ва халқпарвар давлат қуришнинг асосий тўсиғи, муаммоси бўлмоқда. Давлат бошқаруви мавжуд экан, унинг адолат, халқпарвар ишлашини таъминлаш масалалари ҳамиша кун тартибида долзарб бўлиб қолади.

Ғарб тадқиқотчилари, файласуфларининг давлат бошқарувини инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга яқинлаштириш борасида аниқ талаблар билан кескин фикрлар билдириши бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайёрамизнинг эртанги кунни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”, деган фикри БМТга аъзо барча мамлакатлар вакилларининг диққатини ўзига қаратгани бежиз эмас.

Шахс халқнинг, миллатнинг, социумнинг атрибути, ажралмас қисми, унинг давлат ва бошқарувга оппозицияда бўлиши умумманфаатлар билан бирга хусусий манфаатлар ҳам борлигини эслатиб туриш тарафдори эканлигидадир. Хусусий манфаатларсиз шахс эрки ҳақида гапириш мумкин эмас,

шахс ўз манфаатларини англаши орқали умумманфаатлар зарурлигини ҳис қилади. Э.Манье “бугун либерализм (хур фикрлилик) ишончни йўқотди, энди эркин кутқариш учун ҳамжамиятлар ҳақида гапириш керак” -деганида, айнан ана шу умумманфаатлар заруратини назарда тутди.

Умумҳалқ манфаатларни давлат ва бошқарувсиз амалга ошириб бўлмайди, бироқ улар авторитар (куч ишлатиш йўли билан) бошқариш воситасига айланиб қолмаслиги керак. Давлат ва бошқарувнинг вазифаси умумманфаат билан шахс эрки, манфаатлари ўртасидаги алоқаларни уйғун ҳолда шакллантириш, шахс манфаатларининг оппозицион хусусиятини тан олган ҳолда, уларни жамиятдаги ўзгаришларга интеграциялашни таъминлаш ниҳоятда муҳимдир. Бу интеграцияни ислохотлар эълон қилиш, баъзан эса ҳатто қонун қабул қилиш билан ҳам амалга ошириб бўлмайди. Чунки халқ, миллат тарихий маданий парадигмасидан жой олган барқарор қадриятлар уни ҳаракатга келтиради ёки ҳаракатларга нисбатан кутилмаган тўсиқларни келтириб чиқаради. Баъзан жамият аъзолари менталитетидаги такаббурлик, йўқ нарсани бор қилиб кўрсатишга мойиллик кабилар ҳам бу тўсиқларни юзага келтириши мумкин.

Ҳар бир ижтимоий-тарихий босқич қайсидир жиҳатлари билан аввалги босқичдан фарқ қилади. Айнан шу фарқлар асосида янги босқич эскисидан ажралиб туради.

Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги-янги босқичи, бизнинг фикримизча, қуйидаги фундаментал хусусиятлари билан олдинги босқичдан фарқ қилади:



биринчидан, у ижтимоий ҳаётга, фаолиятимиз ва режаларимизга танқидий ёндашишни олиб кирди; иккинчидан, халқ билан мулоқот институтини шакллантириб, демократияни чинакам воқеликка айлантди; учинчидан, ислохотларни инсон манфаатлари томон бурди, бошқарув тизими устига аҳолининг, кишиларнинг реал ҳаёти, қонуний талаблари ва эҳтиёжларини қондириш вазифасини юкледи; тўртинчидан, давлат бошқарув тизимида халққа хизмат қилишнинг назарий шаклидан амалий шаклига ўтишни амалга оширди; бешинчидан, жамиятни янгилаш жараёнларини инновацион изланишлар билан тўлдирди, шу тарзда халқ оммасининг ижтимоий фаоллигини таъминлашнинг янги технологиясини яратди.

Ҳозирги кунда ёшларнинг китоб ўқиши, чуқурроқ билим эгаллаши, ижод билан шуғулланиши ёки ахлоқий муаммолари ҳақида гап кетса, биринчи навбатда, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам оёққа туриб олиш кераклиги ҳақида фикр илгари сурилади. Бу ҳол ҳозирги даврда иқтисодий муаммолар долзарбланиши туфайли содир бўлгандай кўринади. Лекин бу масалага юзаки қарашдир. Бу ўринда аслида кўзга кўринмаётган бошқа сабаб бор. Бу сабаб кўпчилиكنинг руҳиятида ҳамон ўз ҳукмронлигини сақлаб келаётган ўша эски ғоя, яъни моддий муносабатлар бирламчи, руҳият, онг иккиламчи деган материалистик қараш билан боғланади. Амалпарастлик, шуҳратпарастлик, ахлоқий ва маиший бузуқлик каби, бир сўз билан айтганда, «тўқликка шўхлик» оқибатида келиб

чиқаётган, барча воситаларни ишга солиб бўлса ҳам шундай «тўқлик»ка эришишга бўлган кучли интилиш ҳаракатлари айни шу қонданинг ҳамон амал қилиб турганидан далолат беради. Шу маънода ёшлар тарбияси йўлида уларнинг воқеликка аксиологик онг ва муносабатини тўғри шакллантириш соҳасида қилинадиган ишлар орасида энг долзарби бўлиб, муносабатлар ўзгаришининг энг катта тўсиғи бўлган эски қоидаларни таг-томири билан суғуриб ташланмас экан, у тўла-тўқис ривожлана олмайди. Лекин, буни ёшларни таркидунёчиликка ундаш, уларни фақатгина руҳий камолотга интилишларини таъминлаш зарур дегани эмас. Зеро, аскетизм (таркидунёчилик, сақланиш) бу масаланинг тўлақонли ечими бўла олмайди; у тарихан ҳам ўзини оқлаган эмас. Бу жараёнда моддий ва маънавий юксалишни биргаликда, уйғун равишда амалга ошириш самарали бўлади. Яъни, нафс хоҳишларига муккасидан кетиш ҳам, моддийлик дунёсидан мутлоқо воз кечиш ҳам бирёқлама ёндашувлар бўлиб, уларнинг ҳар иккисидан ҳам куч олган янги парадигмаларга мурожаат қилиш зарурияти вужудга келади. Бу эса, аввало, аксиологик онг ва муносабатни ўзгартиришни талаб қилади. Ушбу парадигманинг тезиси аллақачон буюк авлиё Баҳовуддин Нақшбандий томонидан «Дил ба ёру, даст ба кор» тарзида баён этилган. Эндиликда гап фақат шу тезисни батафсил намоён этадиган, илмий асосланган фалсафий таълимотни ишлаб чиқиш ва уни ёшлар тарбиясига тўғри татбиқ этишдадир. Зеро, авлиёлар одатда ўз фикрларини қисқа ва лўнда баён этишади. Аммо улар айтган қисқа жумлалар мазмуни жуда



теран бўлади. Ҳозирги фан ва фалсафа эса фикрларни батафсилроқ ва аниқроқ ифодалашга одатланган. Ўрта таълимдан тортиб олий таълим муассасаларига қадар барча ўқув дастурлари ҳам шундай рационал фикрлаш асосида ишлаб чиқилади. Бу табиий, чунки инсоният, шу жумладан, бизнинг миллатимиз ҳам ўз онги тараққиётида интеллектуал тафаккур даражасига эришган. Шу билан бирга умумий ўрта таълим ва олий таълим муассасалари асосан кадрлар сифати бир хиллиги учун курашадилар. Бунда батафсил изоҳлар сифат даражаси мўтадиллигини таъминлайди. Лекин рационал тафаккурига хос бўлган бир салбий жиҳат борки, у комил инсонни тарбиялаш ишига ҳали-ҳануз ҳалал бериб келмоқда. Бу ҳар бир масалага, жумладан, ёшлар тарбияси ишига ҳам дифференциаллашган муносабатда бўлишдир. Яъни, рационал фалсафа кўп соҳаларга бўлиниб кетган бўлиб, борлиқ (онтология), ривожланиш, билиш (гносеология), ахлоқшунослик, эстетика, социология, руҳшунослик каби ўзаро уйғунликда тушунилиши лозим бўлган масалалар бир-бирдан ажратилган ҳолда тадқиқ этиб келинган.

Аксиологик онг ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб, олам, воқелик ва ҳаётни кадрлаш туйғуси асосида ўзига хос тарзда шаклланади. Ҳар бир инсонда олам, табиат, жамият ва ўзга одамларни, ҳаётни кадрлаш туйғуси бор. Бу туйғу уларнинг қадрини англаб олиш, қадриятни идрок қилиш, унинг аҳамиятини ҳис қилиш каби инсоний фазилатлар билан уйғунлашиб кетган. Одам зоти олам ҳодисаларига нафақат баҳо беради, балки уларга кадрлаш нуқтаи назардан қарайди ҳам. Инсоний

қадрлаш туйғуси нарса-ҳодисаларни оддий баҳолашдангина иборат эмас, балки қадриятли ёндашув асосида шаклланадиган серқирра маънавий хусусиятдир. Шу маънода, у инсон зотининг энг ботиний маънавий хислатларидан биридир.

Президентимиз шундай таъкидлайди, – “Бугунги кунда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида айрим ўлкаларда бетоқатлик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бормоқда. Мана шундай кескин вазиятда, улуғ мутафаккирлар айтганидек, дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсонийлик қутқаради”. Бундан маълум бўладики, аксиологик билишда кадрлаш туйғуси ва аксиологик идрок муҳим аҳамият касб этади. Кадрлаш туйғуси аксиологик онгнинг энг асосий компонентларидан биридир. У табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг қадрини англаш, завқ олиш, лаззатланиш, масъулият ҳиссини сезиш ва шу кабиларда намоён бўлади. Олам ва одам ўз аҳамияти билан кадрлидир. Оламдаги нарсалар, ҳодиса ва жараёнлар одамлар учун кадрлаш туйғусини уйғотувчи асосдир.

Шу маънода объектив воқеликка, унинг намоён бўлиш шакллари ва кўринишларида бевосита ва билвосита боғлиқ бўлмаган кадрлаш туйғуси ва унинг мутлақ субъектив хусусият эканлигини эътироф этиш қийин. Зеро, кадрлаш учун кадрланадиган нимадир, яъни моддийлик ёки маънавийлик мавжуд бўлмоғи, кадрлаш туйғусини уйғотиш учун эса ана шу туйғуни вужудга келиши учун сабаб бўладиган объект мавжуд бўлиши лозим. Шу маънода, олам, одам ва ҳаёт деб аталмиш



серқирра маънолар қадрлаш туйғусини шакллантиришда асосий мезонлар саналади.

Аксиологик онг ижтимоий онг шакллари билан узвий алоқадор бўлиб, у ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир. Ижтимоий онг ёрдамида жамиятнинг ўз-ўзини англаши содир бўлади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади.

Ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шакллари фарқланади. Ижтимоий онг шакллариининг хилма-хиллиги ижтимоий воқеликнинг турли-туманлигидан унга тегишли бўлган муайян муносабатларнигина акс эттиришдан келиб чиқади. Бу шакллар бир-биридан воқеликни акс эттириш усули ва функциясига кўра фарқ қилади. Масалан, ҳуқуқий онг нормалар, қонунлар, қоидалар воситасида, эстетик онг эса бадиий образлар ёрдамида воқеликни акс эттиради. Билиш, тарбиялаш, қадрлаш каби функциялар ижтимоий онгнинг барча шаклларига хос.

Дунёқарашнинг аксиологик шакли қадриятли ёндашув, аксиологик муносабат, аксиологик баҳолаш кабиларни ўз ичига қамраб олади. Қадрлаш туйғуси, қадриятли муносабат ва аксиологик баҳо умумий дунёқараш системасига аксиологик дунёқараш элементлари қўшилиши билан ижтимоий субъектларнинг воқеликка муносабатида яққол кўзга ташлана бошлайди. Бунда аксиологик принциплар кишиларнинг воқеликка

муносабатларини, бир-бирларига нисбатан ўзаро алоқаларини тартибга солувчи маънавий мезонлар сифатида намоён бўлади. Улар кишиларнинг фаолиятларини амалга оширишдаги шахсий манфаат ва мақсадларида ҳам кўзга ташланади.

Бирор бир йўналишга қаратилган қадрлаш туйғуси ва бу асосдаги билимлар, интилиш, мақсад ҳамда манфаатлар кишиларнинг амалий фаолияти учун маънавий тартибловчилик (регуляторлик) вазифасини ҳам бажаради. Албатта, бунда қадриятлар билан боғлиқ омиллар билан бирга бир қанча бошқа жиҳатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо кишиларнинг ўзаро бирлашиб, бир мақсадга интилишларида умумий фаолиятда етакчилик қиладиган омил бу, шубҳасиз, қадриятлардир. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистон мустақиллиги ҳамда уни янада мустаҳкамлаш вазифалари жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, демократик тамойилларга асосланган ҳаёт тарзини шакллантиришда олий қадрият бўлиб хизмат қилади.

Оламга қадриятли муносабат шаклланиши ҳар бир кишининг комил инсон бўлиб етишиши жараёнининг таркибий қисми саналади. Киши камолот сари борар экан ўзи, ўзгалар, ташқи муҳит, олам, умр, вақт, давр ва шу кабиларнинг ҳақиқий қадрини англаб бораверади. Бу фоний дунёнинг ўткинчилиги умр мазмуни, яшашнинг мақсади, оламнинг абадийлиги қаршисидаги лаҳзалар қадрига етишни ўргана боради. Бу эса кишида аксиологик муносабат шаклланишининг шахсий манзарасини яратади.



Аксиологик муносабат якка шахсгагина тегишли ҳодиса эмас. У ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат, жамиятга умумий маънода тегишли бўлиши ҳам мумкин. Ушбу маънода аксиологик ёндашув ва қадриятли муносабатнинг индивидуал ва ижтимоий намоён бўлиш даражаларини, хусусий ва умумий шакллари кўрсатиш мумкин. Бундан кўра кўриш мумкин. Собик иттифоқ миқёсидаги ғайриаксиологик ёндашувга кўра Марказий Осиё фақат хом-ашё етказиб берадиган ҳудуд сифатидагина қаралди. Амударё ва Сирдарёга солинган тўғонлар, қурилган каналлар, чўлларнинг ўзлаштирилишида она Ватанимизнинг табиатини қадрлаш, асраш, унинг келажакини ўйлаш ҳиссига ўрин ҳам бўлмади. Айнан ғайриаксиологик муносабат Оролнинг қуриб, аста-секин йўқолиб боришига, Марказий Осиёнинг “шўр ювгичлари” бўлган Амударё ва Сирдарёнинг шўр тузларини денгизга эмас, балки она заминимиз қўйнига қўйиши оқибатида мисли кўрилмаган экологик ҳалокатлар содир бўлди. Орол фожиасига олиб келган асосий сабаблар айнан ғайриаксиологик муносабатдир. Қурилган каналлар, сув омборлари ўз даврида давлатга ва жамиятга катта фойда келтирган. Аммо улар Оролнинг қуришидан кўрилатган зарарни қоплай олармикин? Олинган фойда қиймати Оролни яна сувга тўлғазиш ва рўй бераётган экологик ҳалокат оқибатларини тугатишга етармикин? Йўқ! Кўҳна ва навқирон тарих сохта қадриятларни устувор билишга асосланган ғайриаксиологик ёндашувнинг бу каби фожиавий мисолларига кўп бора гувоҳ бўлган. Ана шу мисоллар бутун инсоният, қолаверса,

минтақамиз аҳолисида тўғри аксиологик ёндашувни, азалий ва умуминсоний маъволарни қадрлаш туйғусига асосланган қадриятли муносабатни шакллантиришга ундайдиган ибратли ҳодисалар сифатида кишини хушёрликка ундайди. Ижтимоий хушёрлик, маънавий масъулият қадрлаш туйғусининг тўғри шаклланиши, оламга қадриятли муносабатни тўғри вужудга келтирганлиги билан ўлчанади.

Қадриятлар жамият ривожланишининг, моддий ва маънавий бойликлар сақланиши ва кўпайишининг ҳосиласи, инсон камолотининг келажак учун катта аҳамиятга эга бўлган ижобий маҳсулидир. Қадриятлар қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади, бу тарихдан маълум.

“Қадриятлар дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим.”

Мавжуд адабиётларда қадриятлар ва уларнинг иерархиясини классификациялашнинг ҳар хил усул ва тамойиллари қўлланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Фанда асосан, абсолю (мутлоқ) қадриятлар, қадрият-воситалар ёки инструментал (ашёвий)-қадриятлар, шу билан бирга моддий ва маънавий қадриятлар ҳамда уларнинг амалга ошириши оқибатларининг ижтимоий аҳамиятига қараб ижобий ва салбий қадриятларга ажратиш кенг тарқалган. Шунга қарамадан, буларнинг ҳаммаси ҳам бир-бири билан узвий алоқада эканлигини ёддан чиқармаслик зарур. Иккинчидан, энг олий абсолют қадрият Инсон, унинг



умри ҳисобланади. Қадриятлар ижтимоий онг шакли экан уни инсонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одам иштирокисиз қадриятлар мантиққа эга эмас. Шундай экан, ижтимоий бирликлар ва жамият туташ қадриятларнинг субъектларини англатади ва олий қадриятлар ҳисобланади.

Ёшларнинг қадриятга нисбатан муносабати ҳақида “Ёшларда маънавий-ахлоқий онг, биринчидан, унинг дунёқараши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида ўзига хос ўринга эга; иккинчидан, ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ; учинчидан, методологик нуқтаи назардан, жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётини билиш, ўрганиш орқали жамиятга таъсир кўрсатади” – деб таъкидлайди. Бу эса шахснинг ижтимоийлашув жараёнидаги яна бир муаммо жамиятнинг ижтимоий-маданий типлари билан алоқадор бўлиб, масалан, шарқий ва ғарбий қадриятлар тизимидаги мавжуд фарқланишлар шахс ижтимоийлашувини мураккаблаштиради. Уларнинг ҳар бирига хос белгиларни жамият турмуш тарзининг ифодаланишида кўриш мумкин. Айтайлик, қадриятларнинг Шарқ парадигмаларига тааллуқли шахснинг ижтимоийлашув жараёни, кўп ҳолларда оила билан боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат, мамлақтимиз биринчи Президенти таъкидлаганларидек, «Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини

шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади» .

Ғарб анъаналарида якка шахснинг жамиятга қарама-қарши қўйилишида ҳам индивидуализмнинг ижтимоийликка нисбатан устуворлиги назарда тутилади. Бу бўйича шахснинг ижтимоийлашуви авваламбор ижтимоий муҳитни ўзгартиришга йўналтирилган.

Ҳозирда шахсда қадриятларни шакллантирадиган ижтимоийлашув жараёнига кучли таъсир этадиган яна бир омил бозор муносабатларидир. Унинг қадриятлари бозор муносабатларининг моҳияти иқтисодиётдаги эркинлик, рақобат, фойдага интилиш билан алоқадор эканлиги билан характерланади. Бу, бир томондан, одамда ташаббускорлик, фаоллик, куч-қудрат ҳамда ижодкорликка боғлиқ имкониятларни кучайтиради. Иккинчи томондан, жамиятнинг ва шахснинг фақат моддий турмуши эмас, балки маънавий турмуши ҳам бозор муносабатлари ва иқтисодий алмашинув қонунларига мос тарзда қурилади. Бу бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида халқни ижтимоий муҳофаза қилиш билан ижтимоий адолатни биргаликда олиб бориш ижобий натижалар бермоқда.

### References:

1. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон



2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 48.
3. Bussanich. J.The Bloomsbury Companion to Socratates. London: 2013; Edwards M. Civil Society. Comfridge: PolityPress, 2004; Фридман М., Фридман Р. Свобода вибирать: Наша позиция. Москва: Новое издательство, 2007.
4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи // "Халқ сўзи", 20 сентябрь, 2017 й.
5. Манье Э. Манифест персонализма. - Москва: Республика, 1999. С.160.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-том. Зебуннисо – Конирил. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2002. Б.39.
7. Хамиджон Хомидий. Тасаввуф алломалари. — Т.: «Шарк», 2004. — Б.208.